



O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 8-yanvar. Shanba

● 4 (31.280)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

Қарор ва ижро

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва маънавий соглом авлодни вояга етказиши, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш борасида қенг қарорли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрауда қабул килинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соглом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги хамда 2009 йил 1 июнда имзоланган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соглом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий барқомлар авлодни вояга етказиши борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самародорлиги ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги карорлари бу йўналишдаги ишларни янги сифат боскичига кўташида дастурламал бўлмоқда.

Тошкент вилоятининг иккى ярим миллиондан ортиқ аҳолисининг 1 миллион 300 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 676 минг нафари фертил ёшидаги аёллардир. 2010 йилда улар тўлиқ тиббий кўридан ўтказилди.

Мазкур карорлар ижросини таъминлаш мақсадида вилоят соғлики саклаш бошқармаси тизимида шаҳар ва туман тиббий бирлашмаларида ҳамда барча по-поликлиника ва қишлоқ врачлиқ пунктлари қўшида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва соглом оиласи шакллантириш бўйича штаблар ташкил этилган, — деди Тошкент вилояти соглини саклаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Давлат Сайтос. — Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳамда вилоят даволаш мусассасаларининг мутахассислари томонидан 2010 йилда туғиши ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болалар согломаштирилди. Чукурлаштирилган тиббий кўрик натижаларига кўра, касалик аниқланган туғиши ёшидаги аёллар амбулатория ва шифохона шароитларида даволанди. На-

Лутфулла СУВНОНОВ,
ЎзА мухбери

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти



Тиббий маданият

СОГЛОМ АВЛОД НОЯБРДА ВОЯГА ЕТИШИННИНГ ГАРОВИ

«Фаол аёллар» қаноти Фаргона вилоят бўлими Бешарик туманида оналик ва болаликини муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ўртасида тиббий маданияти шакллантириш мавzuидаги амалий семинар ҳамда кам таъминланган оила хотин-қизларини тиббий кўридан ўтказиш акциясини ташкил этиди.

Семинар ва акция «Соглом она ва соглом бола»: Давлат дастури, Вазирliklar Makhkamasining «Respublikaning қишлоқ туманида оналик ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарор ижросига

хона бўлимига замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди. Бугун ҳомиладор аёл, ҷақалок ва кўз ёрган ёнга саломатлигини саклашга хизмат қиладиган пульсоксиметр, ИВЛ аппарати, неонатал реанимация кроватлари, электрокогулатор, аспиратор каби ускуналар одатий жиҳозга айланган. Бу каби амалий ишлар оналик ва болаликини қадр-кимmatни таъминлашга хизмат қилимада. Афсуски, бу борада хали жиддий камчиликлар мавжуд. Семинар иштирокчилари шу ҳақда куюниб гапирдилар.

⇒ 2

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушибу қийматда сотиги ёки сотиги олини мажбуриятини олмаган.

Ватан ҳимояси — олий шараф



Нияти улуғ ўғлонлар

«Ўзингиз яхши биласиз, 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни. Шу муносабат билан муҳташам «Туркiston» саройида ҳарбийлар шарафига тантана уюштирилиши анъанага айланган. Бир неча йилдан бўён байрам тадбирида мен Ички ишлар вазирлиги номидан жанговар байроқни кўтариб, шаҳдам одимлар билан саҳнага чиқаман. Шунда фаҳр, ҳаяжон боис тўлқинланиб кетаман, ота-онам, яқинларим дастурхон атрофида ўтириб, кувонч билан менга тикилаётгани хәёлимдан ўтади. Оилам, маҳаллам, Ватаним тинчлиги учун, керак бўлса, жон фидо этишга тайёр эканини чуқур ҳис этаман...»

Жиззах вилоятининг Зарборд туманидан келиб, Ички ишлар вазирлиги таркибидаги Тошкент Олий ҳарбий техника билим юртида ўйётган 24 ёшли Алишер ХАЙДАРОВининг шу сүзларини эшитиб, унга ҳавасин келиди. У каби юрт байроғини бошинг узра баланд кўтарсанг, Ватан тинчлигига пособон бўлсанг... Ички ишлар вазирлиги тизими учун турли мутахассислик бўйича кадрлар тайёрловчи Тошкент Олий ҳарбий техника билим юрти соҳага юқори мала-кали офицерлар этишириб беради. ИИВ қўшин-

⇒ 3

Тараққиёт ва фаровонлик омили

⇒ 2

Жавоб

«Лоқайдлик оқибати...»

⇒ 3

Юлия ТАРАСОВА:

«Армия — ёшларнинг ҳаёт мактаби»

⇒ 4

Эътироф

Ўзбекистонда кечатган ички сиёсий воқеалар, хусусан, Олий Мажлиса ўтказилган сўнгги сайловлар Россия жамоатчиликнинг диккот марказида бўлди.

Президент Ислом Каримовнинг ташки сиёсий ташаббуслари доир, БМТнинг Мингийлилк саммитидаги, шунингдек, Парламент палаталарининг қўшима мажлисидаги маърузалари жиддий ва ҳар томонлами ўрганинди. Бу маърузалар Ўзбекистон раҳбариятининг кенг қамровли режаларидан, мамлакатни изчил ривожлантириши мақсадида юртилаётган пухта тўғри сиёсатидан дарак беради.

Президент Ислом Каримовнинг ташки сиёсатга доир кўйлаб ташаббуслари муҳокама этиб келинмоқда ва уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки ҳалқаро майдонда ҳам ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади.

С.МАКАРЕНКО,
Россия Федерациси Ташки ишлар вазирлиги
МДҲ мамлакатлari билан ҳамкорлик қиливчи
Департаментининг
Ўзбекистон бўлими бошлиғи

Янгиликлар

Байрам туҳфаси

Миллий ҳавфисиллик хизмати чегара қўшиларига қарашли ҳарбий кисм хизматчилари учун Бухоро шахрида янги тўрт каватли ўйғодаланиши топширилди. Бу миллий байрам — Ватан ҳимоячилари куни арафасида ўттиздан зиёд ҳарбийлар оиласига муносиб совфа бўлди.

Ёшлар учун янги марказ

Андижон вилояти Кўргонтепа туманини Дардоқ қишлоғида ёшлар маркази иш бошлиди.

Бир вактнинг ўзида уч юздан зиёд ҳигит-қизлар ўз бағрига оладиган маҳмуда мавжудият ва маърифат хоналари мавжуд, компьютер саводхонлиги, тикувчилик, пазандалик, турли тиллар бўйича ўқув машғулотлари олиб борилади. Шунингдек, бу ерда бокс манежи, белголи кураш, волейбол, баскетбол, футбол сингари спорт турлари билан ҳам шуғуланиши мумкин.

Хусусий автомактаблар ўз фаолиятини тўхтатади

2011 йилнинг 1 январидан юртимида хусусий автомактабларининг фаолиятини тақиқловчи хукumat қарори куға кирди.

Бу мөъёрий хужжати мувофиқ, эндиликада фуқароларни автомобиль бошқаришига ўргатувчи ўқув ишлари Мудоғаға кўмаклашувчи, Тошхаҳарийлов-чиртан тизимидағи автомактаблар ва бошقا маҳсус ваколатли тузилемаларда олиб борилади.

O'zbekiston havo yo'llari



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИННИНГ 2011 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СҮМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари 1672,38
1 Англия фунт стерлинги 2549,41
1 БАА дирхами 446,68
1 АҚШ доллари 1640,55

1 Миср фунти 282,71
1 Канада доллари 1653,28
1 Хитой юани 248,96
1 Малайзия рингити 535,60

1 СДР 2526,50
1 Туркия лираси 1061,78
1 Швейцария франки 1753,66
1 Евро 2167,07

10 Жанубий Корея вони 14,57
10 Япония иенаси 201,94
1 Россия рубли 54,05
1 Украина гривни 206,06

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушибу қийматда сотиги ёки сотиги олини мажбуриятини олмаган.

